

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2020 йил январь ойининг 15 куни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди
жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: У.Рўзиев,

ҳайъат судьялари: Э.Эргашев ва С.Мамбеткадировдан иборат таркибда,
Б.Сафаровнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма прокурори Б.Бахрамбеков, судланган М.А.нинг ҳимоячиси адвокат
М.Умаровнинг иштирокида, М.А.га оид жиноят ишини ўзининг назорат
тартибида берилган шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар судининг
2018 йил 20 апрелдаги ҳукмига кўра:

Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси,
маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, ишламаган,
муқаддам жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг
01.07.2010 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси
ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил ахлоқ
тузатиш ишлари жазосига судланган, жазодан 28.08.2010
йилдаги амнистия актига асосан озод этилган, Тошкент
вилояти, Пискент тумани, Ўзбекистон Мустақиллиги м.ф.й.,
рақамсиз уйда рўйхатда туриб,

яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси
қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил
озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация
инстанциясининг 2019 йил 11 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз
қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, М.А. 2018 йил 5 февраль куни Тошкент вилояти,
Пискент тумани, Ўзбекистон жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи
канални ён атрофида ёввойи ҳолда ўсиб ётган “наша” ўсимлиги буталарини
узиб, полиэтилен қопага жойлаштириб, шу ҳудуддаги қурилиши
тугалланмаган қаровсиз уйга кириб, ўзида мавжуд бўлган футболкани тоғора
устига таранг ҳолда ёпиб, узиб келган ёввойи наша ўсимлигини ушбу
футболкадан ишқалаш йўли билан ўтказиб, “гашиш” гиёҳванд воситасини
тайёрлаб, икки дона целлофан пакетга солиб қадоқлаган. Шундан сўнг ушбу



тайёр бўлган гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадида, дастлабки терговда шахси сир сақланиши сўралган ва шартли равишда “ХХХ” деб аталган шахсга 150.000 сўмга қонунга ҳилоф равишда сотган вақтида қўлга олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2018 йил 6 февралдаги 72-сонли хулосасига кўра, ашёвий далил тариқасида олинган икки дона целлофан пакетлардаги оч-сарғиш рангли, қисман кул ранг тусли, қўл билан ушлаб кўрилганда куруқ ҳолдаги, ўзига хос ўткир хидли, кукунсимон модда таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу ўсимлик моддаси “гашиш” эканлигини, уларнинг соф оғирлиги 308,19 граммни ташкил этиши аниқланган.

Судланган М.А. унга нисбатан оғир жазо тайинлангани ҳақида важлар келтириб, унинг айбига иқдор ва пушаймонлиги, оилавий шароитини эътиборга олган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича Олий суд судьяси У.Рўзиевнинг маърузасини, прокурор Б.Бахрамбековнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосаси, адвокат М.Умаровнинг шикоятни қувватлаб билдирган фикрини тинглаб, жиноят иши материалларини таҳлил қилиб, қўйидаги асосларга кўра шикоятни қисман қаноатлантириб, М.А.га нисбатан суд қарорларини ўзгартиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган.

Ушбу кодекснинг 455-моддасига мувофиқ, суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослайди, суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослантирилган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 4-бандида қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқлаган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада



назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, суд ушбу ишни кўришда қайд қилинган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмаган.

Судланган А.Абдукаримовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза, пулларга кимёвий ишлов бериш, тезкор тадбир ва ашёвий далилларни олиш, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, юзлаштириш баённомалари, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд А.Абдукаримовнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, унинг айби тасдиқлангани ҳақида асосли хулосага келган.

Бироқ, суд А.Абдукаримовга нисбатан жазо тайинлашда унинг, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, қарамоғида бир нафар фарзанди борлигини, ёввойи “наша” ўсимлигини даладан териб олганини, тайёрлаган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 150.000 сўмга сотмоқчи бўлиб қўлга олинганини, бундан ҳеч қандай моддий манфаат кўрмаганини ва жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олмай бир қадар оғир жазо тайинлаган кўринади.

Судлов ҳайъати юқорида қайд этилган жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни эътиборга олиб, М.А.га нисбатан тайинланган жазони ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда енгиллаштиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 489, 490, 491, 496, 520-521-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и :

Жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳукми ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг [REDACTED] нисбатан чиқарилган 2019 йил 11 июндаги ажрими ўзгартирилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан тайинланган 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 57-моддаси қўлланган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилсин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

У.Рўзиев

хайъат судьялари:

Э.Эргашев

С.Мамбеткадыров

